



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 4 » avgust

№ 332

Toshkent sh.

Ёнгинлар профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ёнгин хавфсизлиги соҳасида давлат назоратини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Сўнгти йилларда аҳоли ҳаёти ва соғлиги, жисмоний ва юридик шахслар мулкининг ишончли ҳимоясини таъминлайдиган яхлит ёнгин хавфсизлиги тизими шакллантирилди.

Ҳафтанинг ҳар чоршанба куни “Фавқулодда вазиятлар ва ёнгинлар профилактикаси куни” этиб белгиланиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига бир қатор вазифалар юклатилди.

Шу билан бирга, ёнгинлар профилактикаси соҳасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилаётганлигига қарамасдан, аҳолининг майший ҳаётида ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ёнгинлар билан боғлиқ нохуш ҳодисалар рўй бермоқда.

Республикамизда 2022 йилда 10 260 та ёнгин ҳодисаси юз бериб, унда 284 нафар фуқаро жабрланган, шундан 107 таси вафот этган, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларга 214,6 млрд сўмлик зарар етказилган.

Жумладан, 2023 йилда Кўқон шаҳридаги “Ризқ барака” ва “Истиқлол” бозорларида, Хива шаҳридаги буюм бозорида, шунингдек, Фарғона шаҳрининг Сайилгоҳ кўчаси 24-уй манзилидаги бинода содир бўлган ёнгин оқибатида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигига ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкига жиддий зиён етган.

Юқоридаги нохуш ҳодисаларнинг юзага келиши давлат ёнгин назорати бўйича қонунчиликда белгиланган механизmlарни қайta кўриб чиқиш ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг ёнгин хавфсизлиги маданиятини оширишга қаратилган қатъий чора-тадбирларни амалга ошириш заруратини кўрсатмоқда.

Хусусан, 2023 йил 29 июль куни Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси 24-йи манзилида жойлашган бинонинг ертўласида содир бўлган бахтсиз ҳодиса сабабларини текшириш ҳамда жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича Ҳукумат комиссияси (кейинги ўринларда – Ҳукумат комиссияси) ташкил этилди.

Ҳукумат комиссияси томонидан содир бўлган ёнғиннинг техник ва ташкилий сабаблари ўрганилганда, бино ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги техник регламентлар, стандартлар, нормалар ва қоидаларга умуман жавоб бермаслиги, шу жумладан, бинода ҳаво айланиш тизими ва қўшимча чиқиш жойлари мавжуд эмаслиги аниқланган.

Шунингдек, Ҳукумат комиссияси хулосасида давлат ёнғин назорати органларининг ваколатлари етарли эмаслиги сабабли, улар томонидан ёнғинларнинг олдини олиш бўйича таъсирчан чоралар кўрилмасдан қолаётганлиги, ёнғин натижасида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарни мажбурий суғурталаш орқали қоплашнинг самарали механизмлари мавжуд эмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Ҳукумат комиссияси томонидан бахтсиз ҳодиса сабабларини ўрганиш бўйича тақдим қилинган дастлабки хулоса ва таклифлардан келиб чиқиб, шунингдек, ахоли ҳаёти ва соғлиғи, жисмоний ва юридик шахслар мулкини ёнғин хавфидан асраш, ёнғинларнинг келиб чиқиш хавфи юқори бўлган, биринчи навбатда, ахоли оммавий йигиладиган обьектларда ёнғинларнинг олдини олиш самарадорлигини тубдан ошириш ҳамда ушбу йўналишда таъсирчан назорат механизмларини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Куйидагилар ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги давлат назоратининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

ахоли ва тадбиркорлик субъектларининг ёнғиндан огоҳлигини ошириш, ёнғин хавфсизлиги талабларига амал қилишни рағбатлантириш механизмларини жорий этиш, шунингдек, самарали идоравий ёнғин назоратини таъминлаш;

ёнғинларнинг олдини олиш ва келиб чиқиш сабаблари ҳамда омилларини барвақт аниқлаш ва бартараф этиш, бу борада давлат назоратини янада кучайтириш орқали қонунчилик талабларини бузган шахсларга нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш;

ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича манзилли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ҳамда уларнинг ўз вақтида ва сўзсиз бажарилиши устидан тизимли мониторинг тизимини жорий этиш;

давлат ёнғин назорати органлари фаолиятига замонавий рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали юзага келиши мумкин бўлган ёнғинларнинг барвақт олдини олиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Корагалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **2023 йил 1 сентябрдан бошлаб мунтазам равишда жамоатчиликни кенг жалб қилган ҳолда, қуидагиларни назарда тутувчи “Ёнгиндан огоҳлик” умуммиллий кампаниясини амалга оширсин:**

таълим ташкилотларида ёнгинларнинг олдини олиш ва ёнгин содир бўлган вазиятда ҳаракат қилиш бўйича батафсил услугий машғулотлар ўtkазиш;

давлат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари ва бошқа ташкилотларда иш жойларида ёнгин хавфсизлиги бўйича ўқитишни ташкил этиш, шу жумладан, эвакуация режалари, ўт ўчириш воситаларидан фойдаланиш қоидалари билан таништириш ва ёнгин келиб чиқиш хавфи бўлган ҳоллардан огоҳ бўлиш;

ёнгин хавфсизлиги мавзусида семинарлар, маъruzалар, маҳорат дарслари, танловлар ва тақдимотлар ўtkазиш, аҳолини тарқатма материаллар билан таъминлаш;

Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва ижтимоий тармоқларда ёнгинларнинг олдини олиш ва ёнгин содир бўлган вазиятда ҳаракат қилиш бўйича батафсил қўлланмаларни тарқатиш, шунингдек, мавзу бўйича маҳсус сахифаларни ташкил этиш;

оммавий ахборот воситаларида ушбу мавзудаги мақолалар, интервьюлар ва маҳсус кўрсатувларни йўлга қўйиш;

жамоат жойларида, таълим ташкилотларида, иш жойларида ва турар жой комплексларида ўт ўчириш бўйича амалий машғулотлар ўtkазиш.

3. 2024 йилдан бошлаб “Ёнгиндан огоҳлик” умуммиллий кампанияси доирасида ҳар бир ҳудудда тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказиладиган “Ёнгин хавфсизлиги аълочиси**” йиллик танлови (кейинги ўринларда – танлов) ўтказиб борилсин.**

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

танловда иштирок этиш учун аризалар Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ахборот тизими орқали қабул қилинади;

танлов ғолиби талабгорларнинг ёнгин хавфсизлиги талабларига жавоб беришни ўрганиш орқали аниқланади;

танлов ғолибига 100 миллион сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти берилади ҳамда унинг фаолияти икки йил давомида давлат ёнгин назорати органлари томонидан текширилмайди;

танловни ўтказиши билан боғлиқ харажатлар Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

4. 2024 йил 1 январдан бошлаб жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини мустақил баҳолаш тартиби (ёнғин аудити) жорий этилсин.

5. Белгилансинки:

ёнғин аудити Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига аккредитациядан ўтган ташкилотлар томонидан ўтказилади ҳамда бино ва иншоотлари ёнғин хавфсизлиги талабларига тўлиқ мувофиқ бўлган жисмоний ва юридик шахсларга **бир йил муддатга ёнғин аудити хulosаси берилади;**

ёнғин аудити бўйича ижобий хulosасини олган, ёнғин ва бошқа хатарлардан ўзига тегишли бино ҳамда иншоотларни сугурталаган тадбиркорлик субъектларига нисбатан **бир йил давомида** давлат ёнғин назорати органлари томонидан **текширувлар ўтказилмайди.**

6. Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат ёнғин назорати органларига қуидаги ваколатларни бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

а) ташкилий-хуқуқий шаклидан қатъи назар, юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган обьектларда:

бир йилда кўпи билан бир мартадан батафсил (дастлабки) текширув ва назорат текширувини ўтказиш;

жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва бошқа манбалардан олинган маълумотлар асосида тезкор текширувлар ўтказиш;

б) бир вақтнинг ўзида **50 нафардан** кўп одам тўпланадиган обьектларда (бозорлар, савдо-кўнгилочар мажмуалари, умумий овқатланиш корхоналари ва бошқалар) давлат ёнғин назорати органлари томонидан Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тасдиқлаган режа-график асосида ҳар чоракда **камидан** бир маротаба мониторинг ва профилактика тадбирларини ўтказиш.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2023 йил 1 ноябрдан:

а) давлат ёнғин назорати органларининг **ижобий хulosасини олмасдан**, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини аукционга чиқариш, қурилиш обьектлари лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш ҳамда қурилиш-монтаж ишлари тугалланган обьектлардан фойдаланиш учун рухсатнома бериш **тақиқланади.** Бунда:

давлат ёнғин назорати органлари томонидан хулоса бериш муддати етти кун этиб белгиланади;

давлат ёнғин назорати органларига лойиҳа-смета хужжатларини келишиш учун мазкур хужжатларнинг барча қисмлари тақдим этилади;

б) давлат ёнғин назорати органлари қурилиш объектларида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш жараёнида шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг ёнғин хавфсизлиги талабларига **риоя этилишини назорат қилади**;

в) аҳоли гавжум бўладиган объектларда қонунчиликка мувофиқ ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этилиши устидан мажбурий тартибда идоравий ёнғин назорати ўрнатилади.

8. Белгилансинки, **2024 йил 1 январдан** бошлаб бозорлар ва савдо комплексларига тегишли бино ва иншоотларни **ёнғин ҳамда бошқа хатарлардан**, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг мулкини ёнғин ва табиий оғат оқибатида етказиладиган заардан ҳимоя қилиш мақсадида, бозорлар ва савдо комплексларига тегишли бино ва иншоотлар **мулқдорларининг жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тартиби** жорий этилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги:

2023 йил 1 ноябрга қадар текширувлар жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш ва тезкор ахборот алмашинувини йўлга қўйиш ҳисобидан давлат ёнғин назорати инспекторларининг фаолиятини такомиллаштириш имконини берувчи “**E-inspektor**” аппарат-дастурний мажмуасини жорий этсин;

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан биргаликда ҳар йили тасдиқланадиган дастур асосида давлат ёнғин назорати инспекторлари фаолиятида **коррупция ҳолатларининг олдини олиш** ва уларнинг жавобгарлигини кучайтириш бўйича қатъий чораларни кўрсинг;

Вазирликнинг белгиланган умумий штат бирликлари доирасида Вазирлик марказий аппарати тузилмасида ёнғинларнинг олдини олиш йўналишида тарғибот ишларини олиб боришга масъул бўлган маҳсус таркибий бўлинма ташкил қилсин.

10. Ёнғинлар профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ёнғин хавфсизлиги соҳасида давлат назоратини такомиллаштириш бўйича “йўл харитаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** ўzlари қабул қилган норматив-хуқуқий хужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазири А.Х. Кулдашев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “4” августдаги 332-сон қарорига
илова

Ёнғинлар профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ёнғин хавфсизлиги соҳасида
давлат назоратини такомиллаштириш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
1.	“Ёнғиндан хушёрлик” умуммиллий кампаниясини амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”ни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Чора-тадбирлар режаси	2023 йил 1 сентябрь	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (<i>Кулдашев</i>), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
2.	“Ёнғин хавфсизлиги аълочиси” йиллик танловини ўtkазиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Хукумат қарори лойиҳаси	2023 йил 1 октябрь	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (<i>Кулдашев</i>), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (<i>Норқулов</i>), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
3.	“Ёнғин хавфсизлиги аълочиси” йиллик танловини ўtkазиш жараёнларини рақамлаштириш имкониятига эга ахборот тизимини ишга тушириш.	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил 1 декабрь	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (<i>Кулдашев</i>), Рақамли технологиялар вазирлиги (<i>Пекось</i>)
4.	Жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини мустақил баҳолаш (ёнғин аудити) ўtkазиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Хукумат қарори лойиҳаси	2023 йил 1 октябрь	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (<i>Кулдашев</i>), Адлия вазирлиги (<i>Таикулов</i>),

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
5.	Бир вақтнинг ўзида 50 нафардан кўп одамлар бўладиган объектларда давлат ёнгин назорати органлари томонидан ҳар чоракда камида бир маротаба профилактика тадбирларини ўtkазиш бўйича режа-график тасдиқлаш.	Чора-тадбирлар режаси	2023 йил 1 сентябрь	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (<i>Норқулов</i>) Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (<i>Кулдашев</i>)
6.	Куйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш: тадбиркорлик субъектларига тегишли объектларда ўтказилган текширишлар натижасида аниқланган маъмурий хуқуқбузарликлар юзасидан давлат ёнгин назорати органларига маъмурий жазо чораларини тўғридан-тўғри қўллаш ваколатини бериш; ёнгин хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чораларини кучайтириш.	Қонун лойиҳаси	2023 йил 1 октябрь	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (<i>Кулдашев</i>)
7.	Давлат ёнгин назорати органларининг ижобий хulosаси асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини аукционга чиқариш, қурилиш объектлари лойиҳа-смета хужжатларини келишиш ҳамда қурилиш-монтаж ишлари туталланган объектларни фойдаланиш учун рухсатнома бериш тартибини белгилаш. Бунда: давлат ёнгин назорати органлари томонидан хулоса бериш муддати етти кун этиб белгилаш; давлат ёнгин назорати органларига лойиҳа-смета хужжатларини келишиш учун мазкур хужжатларнинг барча қисмлари тақдим этиш; давлат ёнгин назорати органлари қурилиш объектларида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш жараёнида шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя этилишини назорат қилишини назарда тутиш.	Хукумат қарори лойиҳаси	2023 йил 1 октябрь	Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (<i>Закиров</i>), Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (<i>Кулдашев</i>)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
8.	Одамлар оммавий бўладиган обьектларда қонунчиликка мувофиқ ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиниши устидан мажбурий тартибда идоравий ёнғин назоратини ўрнатиш тартибини белгилаш.	Норматив-хукуқий хужжат лойиҳаси	2023 йил 1 октябрь	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (<i>Кулдашев</i>)
9.	Бозорлар ва савдо комплексларига тегишли бино ва ичшоотлар мулкдорларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашни жорий этиш тартибини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Норматив-хукуқий хужжат лойиҳаси	2023 йил 1 ноябрь	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (<i>Норқулов</i>), Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (<i>Кулдашев</i>)
10.	Давлат ёнғин назорати инспекторларининг фаолиятига “E-inspektor” аппарат-дастурний мажмуасини жорий этиши. Бунда, давлат ёнғин назорати инспекторларини маҳсус планшетлар билан таъминлашни назарда тутиш.	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил 1 ноябрь	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (<i>Кулдашев</i>), Рақамли технологиялар вазирлиги (<i>Пекось</i>)
11.	Давлат ёнғин назорати инспекторлари фаолиятида коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш ва уларнинг жавобгарлигини кучайтириш бўйича қатъий чораларни белгилаш ва амалга ошириш.	Чора-тадбирлар режаси	2023 йил 1 октябрь	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (<i>Кулдашев</i>), Коррупцияга қарши курашиб агентлиги (<i>Бурханов</i>)
12.	Худудларда давлат ёнғин назоратини кучайтириш мақсадида ҳар бир туман (шахар) фавқулодда вазиятлар бўлимига қўшимча давлат ёнғин назорати инспектори штат бирликларини ажратиш юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Таҳлилий маълумот	2023 йил 1 сентябрь	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (<i>Кулдашев</i>), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (<i>Норқулов</i>)
13.	Ёнгинни автоматик тарзда ўчириш ва ёнғин сигнализацияси курилмаларини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензияланадиган фаолият турига ўтказиш.	Қонун лойиҳаси	2023 йил 1 декабрь	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (<i>Кулдашев</i>), Адлия вазирлиги (<i>Ташкулов</i>)
14.	Шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларида назарда тутилган ёнғин хавфсизлиги талабларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш бўйича дастурни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Чора-тадбирлар режаси	2023 йил 1 декабрь	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (<i>Кулдашев</i>), Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (<i>Закиров</i>)

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
15.	Илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартлар асосида ёнғинлар профилактикаси тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳқмасига киритиш.	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси	2023 йил 1 октябрь	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (Кулдашев), Адлия вазирлиги (Ташкулов)

